

**Мавзу:** Сифат менежменти тизими аудити.

**Режа:**

1. Сифат менежменти тизими аудити тушунчаси ва аудит турлари.
2. Аудит тамойилари.
3. Аудитни ўтказиш босқичлари.


### **1. Сифат менежменти тизими аудити тушунчаси ва аудит турлари**

Сифат менежменти тизими, экологик менежмент, касб хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш менежменти ва шу каби бошқа менежмент тизимлари даврий равишда ички аудити ўтказилиши лозим. Ички аудит тизимни жорий қилиниши ва фаолиятнинг натижавийлигининг мониторинги ва текшириш учун механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади.


Сифат менежменти тизиминини жорий қилинган, ташкилот раҳбарияти у қандай фаолият юритилаётганлигини, тизимнинг қаерда носозликлар борлиги билан қизиқиши ва тизимни натижавийлигини баҳолаши керак. Ички аудит натижалари ташкилот раҳбарияти томонидан таҳлил ўтказиш учун маълумот бўлиб ҳисобланади, бу эса тузатиш амалларни ишлаб чиқиш ва баъзи бир жараёнларни ёки тизимни умуман яхшилаш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Ички аудитларни ўтказишдан мақсад, сифат менежменти тизимини белгиланган талабларга мувофиқлигини ва тўғри жорий қилинганлиги ҳамда ишчи ҳолатда ушланаётганлигини аниқлашдан иборатдир.

**Аудитларни синфланиши.** Аудитлар турлари, босқичлари ва ўтказиш усуллари бўйича синфланиши 1-расмда келтирилган.



Аудит турлари бўйича ички ва ташқи бўлиши мумкин (2-расм).



**Ички аудит (биринчи томони аудити).** Бу ташкилот томонидан ўзида ўтказиладиган аудит, яъни ташкилотдан ўз шахсий тизимлари, процедуралари ва ишларини, уларни белгиланган талабларга

мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида тадқиқот қилишни талаб қилувчи ички текширишдир. Ички аудит раҳбариятга:

- буйруқлар, кўрсатмалар ва фармойишлари бажарилаётганлиги ёки бажарилмаётганлиги ҳақида;
- тизим белгиланган даражада натижали ва самарали ёки йўқлиги ҳақида;
- тизимнинг қайерда бузилишлар борлиги ҳақида маълумот беради.

Ички аудит бутун ташкилот бўйича “алоқа каналлари”ни таъминлашга имкон беради ва яхшилаш имкониятларини аниқлайди.


**Иккинчи томон аудити.** Бу ташкилотни истеъмолчи ёки бошқа ташкилот номидан текширилиши. Иккинчи томон аудитини мақсади – талаблари кафолатланган ҳолда ва доимий равишда бажарилиши ҳақида истеъмолчини ишончини таъминлаш учун ташкилотдаги сифат менежменти тизими тўғрисида етарли маълумот олишдир.

Аудит тўғри ўтказилиши ва сифат тизимининг натижавийлигини аниқ кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Аудит натижалари иккала ташкилот келажагига таъсир кўрсатувчи тижорат қарорларини келтириб чиқишини ёдда тутиш керак. Шунинг учун ҳам, кафолатланган аниқ маълумот олиш учун аудит малакали, тегишли тайёргарликдан ўтган ходимлар томонидан ўтказилиши керак.

**Учинчи томон аудити.** Ташқи мустақил ташкилот (учинчи томон) томонидан ўтказиладиган текшириш. Одатда, учинчи томон баҳолаши сертификатлаштириш мақсадида ўтказилади.

Иккинчи томон аудити каби, учинчи томон аудити аудитор, шунингдек, текшириладиган ташкилотга ҳам алоҳида талабларни белгилайди. Аудит натижалари сифат тизими ҳолатини аниқ ва ҳаққоний кўрсатиши учун аудитор ўз ишини устаси ва лаёқатли бўлиши керак.

Ташқи аудитлар ички аудитларга нисбатан ўз ижобий ва салбий томонларига эга (3-расм).



3-расм. Ташқи аудитнинг ижобий ва салбий томонлари.

## 2. Аудит тамойилари.

Аудит ўтказиш қатор тамойиллар билан характерланади. Улар аудит асосида ташкилотнинг ўз характеристикасини яхшилаши мумкин бўлган маълумотлар билан таъминлаб менежмент ва назоратни қўллаш сиёсатнинг натижалари ва ишончли усули бўлиб ҳисобланади. Бу тамойилларга содиқлик бир-биридан мустақил равишда ишлайдиган аудиторлар ўхшаш ҳолатларда шундай хулосалар қилишлари учун аудит натижалари бўйича ҳолис хулосаларга замин яратида.

Қуйидаги тамойиллар аудиторларга тааллуқлидир:

- **Этик ҳуқ (ethical conduct):** профессионализм асоси. Аудитни амалга оширишда жавобгарлик, сотилмаслик, сир сақлай олиш ва эҳтиёткорлик муҳимдир.

- **Холислик (fair presentation):** тўғри ва аниқ ҳисоботлар бериш мажбурияти. Аудитларнинг хулосаси аудит натижалари бўйича хулосалар ва ёзувлар фаолиятни ҳаққоний ва аниқ акс эттиради. Аудит вақтида аниқланган жиддий қаршиликлар ҳамда ҳал қилинмаган муаммолар ёки аудит гуруҳи ва текширилаётган ташкилот ўртасидаги келишмовчилик ҳисоботларда акс эттирилади.

- **Профессонал кузатувчанлик (due professional care):** қобилият кўрсатиш ва аудит ўтказишда тўғри қарорлар қабул қилиш. Аудиторларнинг профессионал кузатувчанлиги бажариладиган топшириқнинг муҳимлигига ва буюртмачилар ва бошқа қизиқувчи томонлар тарафидан бўлган ишончга мос келади. Зарур ишни бажара олиш лаёқати муҳим омилдир.


Қуйидаги тамойиллар характериға кўра мустақил ва тизимли бўлган аудитга тааллуқлидир:

- **Мустақиллик (independence):** аудит натижалари бўйича хулосалар холислигининг ва объективлигининг асоси. Аудиторлар ўз фаолиятларида мустақил ва сиёсат ҳамда зиддиятли муносабатлардан ҳолидирлар. Аудиторлар асосида фақат аудитнинг далиллари ётишини таъминлаш мақсадида аудитнинг бутун жараёнида холисона мулоҳазаларга таянади.

- **Далилларга асосланган ёндошув (evidence-based approach):** Тизимли аудит жараёнида аудитнинг ишончли ва такрорланадиган хулосаларига эришиш учун теран асосдир. Аудит далиллари текширилувчандир. Улар амалдаги маълумотлар танламасига асосланади, чунки, аудит чекланган вақт оралиғида ва чекланган манбаалар билан амалга оширилади.

### 3. Аудитни ўтказиш босқичлари.

**Аудит ўтказиш.** Аудитларни режалаштириш ва ўтказиш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади. 4-расмда аудит ўтказишнинг намунавий блок-схемаси кўрсатилган.



4-расм. Аудит ўтказишдаги намунавий фаолиятининг умумий тушунчаси.

Аудит ўтказишни ташкил қилиш қуйдагича:

**1) Аудит бўйича гуруҳ раҳбарини тайинлаш.** Аудит дастурини бошқаришга жавобгарлар аниқ аудит бўйича гуруҳ раҳбарини тайинлашлари керак.

Биргаликдаги аудит ўтказилган ҳолда аудит бошлангунга қадар текширувчи ташкилотлар ўртасида ҳар бир ташкилотнинг жавобгарлигига оид, шу жумладан, аудит учун белгиланган гуруҳ раҳбарининг ваколатларига оид битимга эришиш муҳимдир.

**2) Аудитнинг мақсадларини, қўлланилиш соҳасини ва мезонларини аниқлаш.** Ҳар бир аудит ҳужжатлаштирилган мақсадларга, қўлланилиш соҳасига ва аудит дастурининг мақсадлари доирасидаги мезонларга асосланиши керак.

Аудитнинг мақсади аудитда нима қилиниши кераклигини белгилайди ва қуйдагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- текшириладиган ташкилот ёки унинг бўлимларининг менежмент тизимининг аудит мезонларига мувофиқлик даражасини аниқлашни;

- менежмент тизимининг қонунчилик талабларига, меъёрий талабларга ва битим талабларига мувофиқлигини таъминлаш имкониятларини баҳолашни;

- менежмент тизимининг аниқ мақсадларга эришиш учун самарадорлигини баҳолашни;

- менежмент тизимини потенциал яхшилаш соҳаларини аниқлашни.

Аудит соҳаси аудитнинг чуқурлиги ва чегараларини, аудит қилинадиган ташкилотнинг жойлашган жойини, таркибий бўлимларини, фаолият ва жараёнларини ҳамда аудит муддатларини ёритади.

Аудит мезонлари у бўйича мувофиқлиги аниқланадиган таққослаш учун база сифатида ишлатилади ва қўлланиладиган сиёсатни, жараёнларни, стандартларни, қонунлар ва меъёриларни, регламентларни, менежмент тизимига бўлган талабларни, битим талабларини ёки саноат секторлари ёки ишбилармонлик фаолиятининг қоидалар мажмуини ўз ичига олиши мумкин.

**3) Аудит ўтказиш имкониятларини аниқлаш.** Аудит ўтказиш имконияти қуйидаги омилларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак:

- аудитни режалаштириш учун керакли маълумотларнинг мавжудлиги ва етарлилиги:

- текшириладиган ташкилот билан бир хил ҳамкорлик;

- вақт ва зарур ресурсларнинг мавжудлиги.

Аудит ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолда буюртмачига текшириладиган ташкилот билан маслаҳатлашиш асосида альтернатив таклифни бериш керак.

**4) Аудит бўйича гуруҳни шакллантириш.** Аудит ўтказиш мумкинлиги эътироф этилгандан сўнг, аудит мақсадла-рига эришиш учун, зарур лаёқатлиликини ҳисобга олган ҳолда, аудит бўйича гуруҳни тузиш зарур. Агар аудитни битта аудитор амалга оширса, у аудит бўйича гуруҳ раҳбарига юкланадиган барча вазифаларни бажариши керак.

Аудит бўйича гуруҳнинг сони ва таркибини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур;

- аудитнинг мақсадлари, соҳаси, мезонлари, тахминий муддатини;

- аудитнинг комплекс ёки биргаликда эканини;

- аудит бўйича гуруҳнинг аудит мақсадларига етишиш учун зарур бўлган умумий лаёқатлилигини;
- қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилик талаблари, меъёрий талаблар, битим талаблари ва аккредитлаш/сертификатлаштириш бўйича органларнинг талабларини;
- аудит бўйича гуруҳнинг текшириш фаолиятдан ва ишдаги зиддиятлардан мустақиллигини таъминлаш заруратини;
- аудит бўйича гуруҳ аъзоларининг текшириладиган ташкилот билан самарали ҳамкорлигининг ва биргаликда ишлашларининг имкониятларини;
- аудитнинг тили ва ташкилотнинг ўзига хос ижтимоий ва маданий қадриятларини тушуниш – бу масалалар аудиторларнинг шахсий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ёки техникавий экспертлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкинлигини.

**5) Текшириладиган ташкилот билан дастлабки алоқани ўрнатиш.** Аудит ўтказиш учун текшириладиган ташкилот билан дастлабки алоқа расмий ёки норасмий характерда бўлиши мумкин ва у аудит дастурини бошқаришга жавобгар шахс ёки аудит бўйича гуруҳ раҳбари томонидан бажарилиши керак.

**6) Ҳужжатлар таҳлили.** Жой-жойдаги аудитни бошлашдан олдин аудит мезонларига тизимнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида текшириладиган ташкилот ҳужжатларини анализ қилиш керак.

Ҳужжатлар мажмуаси менежмент тизими бўйича тегишли ҳужжатларни ва ёзувларни ҳамда аввалги аудит бўйича ҳисоботларни ўз ичига олиши мумкин. Анализ ташкилотнинг ҳажмини, фаолият турини ва мураккаблигини ҳамда аудит ўтказишнинг мақсади ва соҳасини ҳисобга

олиши керак. Баъзи ҳолларда бу анализ агар аудит ўтказишнинг самарадорлигига зарар етказмаса, жойдаги аудит ўтказиш бошлангунга қадар тўхтатиб турилиши мумкин. Бошқа вақтда керакли маълумот олиш учун аудит ўтказиладиган жойга олдинроқ бориб келиш мумкин. Агар ҳужжатлар тўплаш номувофиқ деб топилса, унда аудит бўйича гуруҳ раҳбари аудит буюртмачисини ва текшириладиган ташкилотни хабардор қилиши керак. Ҳужжатлар тўпламидаги муаммо ҳал қилинмагунча аудитни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарор қабул қилиш керак.

**7) Жойдаги аудитни ўтказишга тайёргарлик. Аудит режасини тайёрлаш.** Аудит бўйича гуруҳ раҳбари аудит ўтказишга доир аудит буюртмачиси, аудит бўйича гуруҳ ва текшириладиган ташкилот билан битимга эришиш учун асос бўладиган аудит режасини тайёрлаши керак. Режа аудит графигини тузиш ва аудитни ўтказишга ёрдам бериши керак.

Аудит режасидаги баён қилишнинг батафсиллик даражаси аудит ўтказиш соҳасини ва мураккаблигини акс эттириш керак. Айрим жойлари, масалан, дастлабки ва кейинги аудитлар учун ҳамда ички ва ташқи аудитлар учун фарқ қилиши мумкин.

**Аудит бўйича гуруҳ аъзолари ўртасида ишларни тақсимлаш.** Аудит бўйича гуруҳ раҳбари гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашиб уларнинг маълум жараёнлар, бўлимлар, жойлар, соҳалар ёки фаолият турлари аудит учун вазифаларни тақсимлаб чиқиши керак. Бундай тақсимлаш аудиторлар мустақиллигига ва лаёқатлилигига, ресурслардан оқилона фойдаланишга ҳамда аудиторлар, стажерлар ва техникавий экспертларнинг турли вазифаси ва жавобгарлигига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиши керак. Аудит мақсадларига эришиш учун аудит олиб борилаётган вақт мобайнида вазифалар тақсимланишида ўзгаришлар қилиниши мумкин.

**Ишчи ҳужжатларни тайёрлаш.** Аудит бўйича гуруҳ аъзолари вазифаларининг тақсимланишига оид маълумотни ўрганиб чиқишлари ва ишчи ҳужжатларни аудит вақтида ҳаволалар ва ёзувлар сифатида фойдаланиш учун тайёрлашлари керак.

**8) Жойдаги аудитни ўтказиш. Дастлабки кенгашни ўтказиш.** Дастлабки кенгаш текшириладиган ташкилот раҳбарияти билан бирга ёки қайси жойда бу мумкин бўлса текшириладиган бўлимлар ёки жараёнлар учун жавобгарлар билан бирга ўтказилиши керак. Дастлабки кенгашнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- аудит режасини тасдиқлаш;
- аудитнинг қандай бажарилиши тўғрисида қисқа маълумот бериш;
- маълумотлар алмашиш йўллари тасдиқлаш;
- текшириладиган ташкилот учун савол бериш имкониятларини яратиш;

**Аудит ўтказиш вақтида маълумотлар билан алмашиш.** Аудитнинг қўлланилиш соҳаси ва мураккаблигига боғлиқ равишда аудиторлар гуруҳининг ичида ҳам, текшириладиган ташкилот билан ҳам расмий маълумот алмашиш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

**Ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг ва кузатувчиларнинг вазифаси ва жавобгарлиги.** Ҳамроҳлик қилувчи шахслар ва кузатувчилар аудит бўйича гуруҳни кузатиб боришлари мумкин, аммо улар аудитнинг таркибига кирмайдилар.

**Маълумотлар йиғиш ва уларнинг ишончилигини тасдиқлаш.** Аудит вақтида аудит мақсадларига, соҳасига ва мезонларига доир, шу жумладан, бўлимлар ўртасидаги ўзаро муносабат, фаолият ва жараёнларга

доир маълумотлар зарур танламалар йўли билан тўпланиши ва ишончилигининг тасдиқланиши керак.

**Аудит хулосаларининг шаклланиши.** Аудит хулосаларини олиш учун аудит далиллари аудит мезонлари билан таққосланиши керак. Аудит хулосалари аудит мезонларига мувофиқлигини ёки номувофиқлигини кўрсатиши мумкин. Аудит мақсадлари билан таққосланганда аудит хулосалари ишни яхшилаш учун имкониятларни кўрсатиши мумкин.

Аудит бўйича гуруҳ, зарур бўлганда аудитнинг номувофиқ босқичларидаги хулосаларни анализ қилиш учун йиғилиши керак.

Аудит мезонларига мувофиқликлар аудит ўтказилган жой, бўлимлар ёки жараёнларни кўрсатган ҳолда умумлаштирилиши керак. Агар аудит режасида кўрсатилган бўлса, мувофиқлик тўғрисидаги айрим хулосалар ва уларни тасдиқловчи далиллар ҳам ёзилиши керак. Номувофиқлик ва уларни тасдиқловчи аудит далиллари ҳам ёзилиши керак. Номувофиқликлар катта-кичиклигига қараб ажратилиши керак. Улар текшириладиган ташкилот томонидан аудит далиллари объектив ва номувофиқлик тушунарли эканига ишонч ҳосил қилиш учун анализ қилиниши керак. Аудит далиллари бўйича фикрлар билан аудит хулосалари ўртасидаги тушунмовчиликларни йўқотилиши, хал қилинмаган муаммолар эса ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши керак.

**Аудит натижалари бўйича якун тайёрлаш.** Аудит бўйича гуруҳ якуний кенгашгача қуйидаги тадбирларни амалга ошириши керак:

- аудит хулосаларини ва аудит вақтида йиғилган бошқа тегишли маълумотларнинг аудит мақсадларига мувофиқлигини кўриб чиқиш;

- аудит жараёнига хос бўлган ноаниқлик элементини ҳисобга олган ҳолда аудит натижалари бўйича якуний хулосаларни келишиш;

- агар аудит мақсадларида кўзда тутилган бўлса тавсияномалар тайёрлаш;

- агар аудит режасида бўлса, аудит натижалари бўйича ҳаракатларни муҳокама қилиш.

**Яқуний кенгаш ўтказиш.** Аудит бўйича гуруҳ раҳбари раис бўлган яқуний кенгашнинг мақсади – аудит бўйича хулоса ва яқунларни шундай тақдим этишни, улар текшириладиган ташкилотга тузатиш ва олдини олиш ҳаракатлари режасининг муддатларини тақдим этиш бўйича тушунарли ва маъқул бўлсин. Яқуний кенгашда текшириладиган ташкилотнинг, аудит буюртмачисининг ва бошқа томонларнинг вакиллари иштирок этишлари керак. Зарур бўлганда аудит бўйича гуруҳ раҳбари аудит бўйича яқуний хулосаларга бўлган ишончни камайтириши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида огохлантириши керак.

### **Ўз-ўзини текшириш ва назорат саволлари**

1. Аудит нима?
2. Аудитларнинг турлари ва уларнинг синфланишини тушунтиринг.
3. ISO/IEC 19011 халқаро стандартига асосан аудиторларга қандай принциплар келтирилган?
4. Аудит дастурини бошқариш учун кимлар жавобгар бўлади?
5. ISO/IEC 19011 стандартига мувофиқ аудиторларни баҳолаш қандай босқичларда амалга оширилади?
6. Аудит критериялари нима?
7. Аудит мезонлари нималардан иборат?